

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.04. 2022. Tib.93.02 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

САРКИСОВА ЛЯЛЯ ВАЛЕРЬЕВНА

**МУДДАТИГА ЕТМАГАН ТУҒРУҚЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ОЛИБ
БОРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Саркисова Ляля Валерьевна

Муддатига етмаган туғруқларни таъхислаш ва олиб боришнинг замонавий жиҳатлари3

Саркисова Ляля Валерьевна

Современные аспекты диагностики и ведения преждевременных родов29

Sarkisova Lyalya Valerevna

Modern aspects of clinical and laboratory markers in the prediction and early diagnosis of premature birth55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....60

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 04/30.04. 2022. Tib.93.02 РАҚАМЛИ БИР
МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

САРКИСОВА ЛЯЛЯ ВАЛЕРЬЕВНА

**МУДДАТИГА ЕТМАГАН ТУҒРУҚЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ОЛИБ
БОРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4. DSc/Tib476рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар

Негматуллаева Мастура Нуруллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Иноятов Амрилло Шодиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Абдуллаева Лағия Мирзатуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Старцева Надежда Михайловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор, РФ

Файзуллаева Нигора Яхъёевна
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc04/30.04.2022.ТІВ.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ кuni тарқатилган.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Г.А.Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори(DSc), профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда муддатидан олдинги туғруқ (МОТ) она ва бола саломатлиги муаммосининг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, фаннинг муваффақиятли ривожланишига қарамай, ушбу патологиянинг тарқалиши ҳар йили ортиб бормоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...иктисодий ривожланган мамлакатларда муддатидан олдинги туғруқ барча ҳомиладорликнинг 5-12% ташкил этади...»¹. Россия давлатида муддатидан олдинги туғруқ частотаси 5-10% ни ташкил этади ва сўнгги 10 йил ичида пасайиш тенденциясига эга эмас. Жаҳон адабиёти маълумотларига кўра, АҚШда бу кўрсаткич 10,1%, Англияда 7,8%, Францияда 7,2%, Ўзбекистонда эса 5% дан 10% гача ташкил этиб, охириги 20 йил давомида пасаймаган. Шу муносабат билан, муддатидан олдинги туғруқни башоратлаш мақсадида, эрта ташхис қўйиш ва ўз вақтида қиёсий ёндашув она ва унинг авлодлари учун ижобий натижага эришиш, перинатал ўлимни камайтириш мақсадида муддатидан олдинги туғруқнинг биомиевий, молекуляр-генетик ва иммунологик предикторларини топишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида муддатидан олдин туғруқни ташхислашда молекуляр-генетик, иммунологик, биокимёвий маркёрларининг аҳамияти ва оналар ўлимини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, муддатидан олдинги туғруқни башоратлашда иммун тизимнинг маркёрларининг аҳамиятини аниқлаш, муддатидан олдин туғруқнинг эрта ташхислашда молекуляр-генетик маркёрларнинг аҳамиятини баҳолаш, йўлдошда тизимли-функционал ва гемодинамик бузилишлар шаклланишида гемостаз тизимининг аҳамиятини ва унинг маҳаллий гемодинамика-бачадон - йўлдош-ҳомила тизими билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва баҳолаш, муддатидан олдин туғруқ билан асоратланган ҳомиладор аёллар орасида ногиронлик ҳамда перинатал ўлим ҳолатларини камайтириш, муддатидан олдинги туғруқнинг олдини олишни тадбиқ қилиш, чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими такомиллаштириш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, аҳоли ўртасида юзага келадиган акушерлик ва гинекологик касалликларни башоратлашга ва эрта ташхислашга қаратилган қатор кенг кўламли ишлар, ислоҳотлар ва тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида «...тиббий иммуно-генетикани ривожлантириш асосида, она саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, замонавий

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботлари. 2019 йил. Onalar o'limini maxfiy tekshirish milliy qo'mitasi, 2017. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 7-dekabrdagi "O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori.

скрининг дастурларини жорий этиш, ҳудудларда кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва “Она ва бола...” ахборот тизимларини яратиш»² га алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, муддатидан олдинги туғруқни башоратлаш ва эрта ташхислашга ёрдам берадиган иммуно-генетик ва биокимёвий маркёрларини қўллаш, перинатал касалланишни, ўлимни, чақалоқлар даволаниши ва реабилитациясига кетадиган моддий харажатларини камайтиришга доир маълумотлар адабиётларда етарли мавжуд эмас.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020-йил 12-ноябрдаги “Аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон, фармонлари тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажарилишига хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу илмий-тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган: VI. «Тиббиёт ва фармакология».

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида муддатидан олдинги туғруқни замонавий биокимёвий, иммунологик маркёрларини ўрганиш жиҳатларини асослашга қаратилган илмий тадқиқод ишлари олиб борилмоқда, шу жумладан: Cincinnati children's hospital medical center, Wayne State University Detroit, University of north carolina school of medicine (USA); University of Kansas Medical Center(Канзас), University of Technology Aachen, University of Basel, University Women's Hospital(Германия); Obstetrics and gynecology hospital of fudan university, Institute for Fetology (Хитой); Kyungpook National University Hospital(Корея); Sao Paulo Federal University, Alagoas State University, Universidade Federal do Reconcavo da Bahia(Бразилия), Qatar University(Доха); Institute of Obstetric Hematology(Греция); Tehran university of medical sciences (Эрон); Soroka University Medical Center, Ben-Gurion University of the Negev(Израил); University of western Australia (Австралия); University of leicester London University of Bristol, St George's University of London (Великобритания); Suzhou Hospital Affiliated to Nanjing Medical

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.acog.org, www.nih.gov, www.cusbrescia.it, www.sdu.dk, ki.se/en, unimelb.edu.au, www.cpc.unc.edu, www.fadergs.edu.br, ksu.edu.sa/en/, www.anouk.org, unideb.hu/en, www.aichi-u.ac.jp, www.usu.ac.id, pushpagiri.in, ncagp.ru, zkmu.kz, www.bsmu.by, www.bsmi.uz башка манбаалар асосида амалга оширилган.

University(Хитой); Medical university of Lodz, University of Lublin(Полша); Medicine University of Rijeka(Индия); Universite Claude Bernard Lyon, Institut Universitaire de France (Франция); Илмий-тадқиқот институти, Омск давлат тиббиёт университети, И.М. Сеченов номидаги 1-Москва давлат тиббиёт институти, Тульск давлат университети, Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий тадқиқот тиббиёт университети, Н.В. Склифосовский номидаги тез ёрдам илмий тадқиқот институти.

Олиб борилган илмий-тадқиқотлар муддатидан олдинги туғруқни эрта ташхислаш, акушерлик тактикасини такомиллаштириш, перинатал ўлим кўрсаткичларини камайтириш бўйича қатор илмий янгиликлар аниқланган, шу жумладан, қуйидаги: акушерликда ҳомиладорликни олиб бориш, ташхислаш, муддатидан олдинги туғруқнинг перинатал асоратларини камайтиришга қаратилган протоколлар ишлаб чиқилган (University of north Carolina school of medicine, USA); муддатидан олдинги туғруқни келиб чиқиш патогенезида альфа-1-микроглобулин омилларнинг ахамияти исботланган (University Women's Hospital, Германия); муддатидан олдинги туғруқни башорат қилишда биомаркёрларнинг ахамиятини баҳолашга қаратилган усуллар ишлаб чиқилган (Qatar University, Доха); Оналар ва перинатал ўлимни камайтириш, туғруқ ва туғруқдан кейинги асоратларини олдини олиш мақсадида алгоритмлар ишлаб чиқилган (Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-тадқиқот тиббиёт университети, Россия).

Дунё миқёсида ҳозирги вақтда акушерлик амалиётида молекуляр-генетик, иммунологик ва биокимёвий маркёрларнинг кўрсаткичларига асосланиб, эрта башоратлаш ва ташхислашни такомиллаштиришнинг энг мақбул бир қатор илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ва хорижий олимлар шуни таъкидлашганки, замонавий акушерликда энг долзарб муаммолардан бири муддатидан олдинги туғруқ хисобланади(Lindsay H. et al., 2018; Денисова Т. Г. ва ҳаммуал., 2020).

Яллиғланиш олди цитокинларнинг(IL-1 β и TNF- α) кўпайиши муддатидан олдинги туғруқ учун асосий хавф омиллари эканлиги аниқланди, чунки, яллиғланиш касалликнинг келиб чиқишида етакчи ўрин ўйнайди. Ушбу цитокинлар амнионда, децидуал қават, хорионда простагландин E2 (PGE2) ишлаб чиқарилишини кўзғатиши мумкин, PGE2 бачадон қисқаришини таъминлайди, ҳомиладорликда бачадон бўйни етилишини таъминлайди оқибатда, муддатидан олдинги туғруқни чақиради (Хазова Е.Л. ва ҳаммуал., 2018; Adam B., Jaroslaw K. et al., 2018).

Полиморфизм ва муддатидан олдинги туғруқ хавфи ўртасида муҳим статистик боғлиқлик борлиги, бу ёввойи ва ёввойи бўлмаган аллеллар шунингдек, бошқа генотиплар бўйича бўлиши ўрганилган. Муддатидан олдинги туғруқ учун хавф омиллари ривожланишининг асосий хавф омиллари IL-10(G-1082) генининг rs1800896 полиморфизми, TNF- α (G-308A) генининг rs1800629 полиморфизми ва IL-1 β (T31C) генининг rs1143627 полиморфизмидир (Супрун С. В., Наговицына Е., 2018; Corinne R. et al., 2018). Болотских В.М.

(2016) қон зардобида альфа-1 микроглобулин миқдорининг ошиши муддатидан олдин туғруқ предиктори бўлиши мумкинлигини айтган.

Ўзбекистонда муддатидан олдинги туғруқга ташхис қўйишни такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳомиладорлик даврини диагностик баҳолаш ҳар доим ҳам ҳомиладорликни кўтара олмаслик хусусан, муддатидан олдин туғруқ ривожланиш эҳтимолини аниқ башорат қилишга имкон бермайди. Муддатидан олдин туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларни комплекс лаборатор текширувлари акушерлик тактикасини ўз вақтида танлаш учун муҳим башоратловчи белгиларни аниқлаши мумкин. Ҳомиладорлар қон зардобида IL-1 β ва TNF- α миқдорининг ошиши муддатидан олдинги туғруқ учун юқори хавф омили бўлишини баҳолаш мумкин (Рўзиева Н. Х. ва ҳаммуал., 2019; Шавази Н.Н. ва ҳаммуал., 2022).

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу муаммога бағишланган кўплаб илмий тадқиқодларга қарамай, перинатал асоратларни олдини оладиган ҳомиладорликнинг ушбу дахшатли асоратининг ривожланиши учун башоратловчи клиник олди маркёрлар аниқланмаган.

Соғлиқни сақлаш амалиёти учун хавф солувчи муддатидан олдинги туғруқни башоратлаш, эрта ташхислаш ва қиёсий ёндашув акушерлик тактикасини танлашни аниқлаш кам аҳамиятга эга эмаски, бу орқали она ва бола асоратларини камайтириш ва перинатал натижаларни яхшилаш мумкин.

Юқоридаги маълумотлар соғлиқни сақлаш соҳасида илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муддатидан олдинги туғруқ эрта ташхисотининг самарали ва иқтисодий жиҳатдан қулай усулларидан фойдаланиш зарурлигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси ва мавзуси (№ 01.2025DSc.213) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, акушерлик тактикасини танлаш (2022-2026 й.)» асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: муддатидан олдинги туғруқни башоратлашда она, йўлдош-ҳомила маркёрларининг ташхисотини баҳолаш, перинатал ўлимни камайтириш учун уларнинг асоратларига эрта ташхис қўйишни ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори хавф гуруҳидаги муддатидан олдинги туғруқ бўлган турли ҳомиладорлик муддатидаги аёлларни аниқлаш мақсадида ҳомиладорлик даври ва туғруқ жараёнининг ретроспектив таҳлилини ўтказиш;

муддатидан олдинги туғруқни башоратлашда иммун тизимнинг маркёрларининг аҳамиятини баҳолаш;

муддатидан олдин туғруқнинг эрта ташхислашда генетик маркёрларнинг аҳамиятини аниқлаш;

йўлдошда тизимли-функционал ва гемодинамик бузилишлар шаклланишида гемостаз тизимининг аҳамиятини ва унинг маҳаллий гемодинамика-БЙХ тизими билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш ва баҳолаш; муддатидан олдин туғруқда ва қоғоноқ сувларининг муддатидан олдин кетишини башоратлашда биокимёвий маркёрларнинг аҳамиятини аниқлаш; хомиладорлик ва туғруқ тактикасини ўз вақтида танлаш учун бачадон-хомила- йўлдош қон оқимининг доплеромеретрик курсаткичларини ўрганиш; перинатал йўқотишларни камайтириш мақсадида мақбул вақт ва туғруқни олиб бориш усулини танлаш учун, муддатидан олдинги туғруқни эрта ташхисловчи маркёрларининг аҳамиятини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида 400 нафар хомиладор аёл ўрганилган, шулардан 200 нафар ретроспектив ва 200 нафари проспектив, аёллардан 65 таси муддатидан олдинги туғруқ хавфи билан ва 85 таси муддатидан олдин туғруқ, назорат гуруҳида 50 нафар физиологик хомиладорлик бўлган аёллар ташкил этган.

Тадқиқот предмети сифатида қон зардоби, сўлак, биокимёвий, гемостазиологик, иммунологик, молекуляр-генетик, ультратовуш ва доплеромеретрик текширув натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда анамнестик, клинко-лабаратор, биокимёвий, гемостазиологик, иммунологик, молекуляр-генетик, ультратовуш ва доплеромеретрик шунингдек, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ўзбек миллатига мансуб бўлган муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқ билан асоратланган хомиладор аёлларда IL-1 β генининг (T31C) полиморфизми С аллели, С/С мутант вариантли генотипи ва IL-10 генининг (G1082A) полиморфизми, А аллел, А/А мутант генотипи кўрсаткичлари муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқни аниқлашда юқори даражада аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқда гемостаз тизимининг Д-димер маркёри ва регионар, бачадон-йўлдош қон айланиши ўртасидаги боғлиқлик илк бор кўрсатилди;

муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқнинг ўзига хос хавф омилларини аниқлашда, иммун тизимининг энг муҳим маркёрлари бўлган интерлейкин-1 β (IL-1 β), ўсимта некрози омили (TNF- α) ошиши ва интерлейкин-10 (IL-10) пасайиши ҳисобига намоён бўладиган клиник белгилар ва биокимёвий маркёрлар α 1-микроглобулин, С-реактив оқсил, прокальцитонин миқдорларининг ошиши, витамин 25(OH)D, қон зардобида прогестерон ва эстрадиолнинг пасайиши, сўлакда прогестероннинг камайиши кўрсаткичлари аниқланган;

муддатидан олдин туғруқ билан асоратланган хомиладор аёлларда яллиғланиш олди цитокинлари интерлейкин-1 β (IL-1 β), ўсимта некрози омили (TNF- α) қон зардобида уларнинг концентрациясининг ошиши, яллиғланишга қарши цитокин интерлейкин-10 (IL-10) миқдорининг пасайиши, гемостаз тизими (Д-димер ва фибриноген) кўрсаткичларининг

ошиши, бачадон артериаларида резистентлик индексининг ортиши ва ҳомила-йўлдош қон оқимининг ёмонлашуви тезкор туғруқ учун кўрсатма бўла олиши исботланган;

иммунологик, биокимёвий предикторларга асосланган ҳолда, муддатидан олдин туғруқ хавфи билан асоратланган ҳомиладор аёлларнинг комплекс тепапиясига микронлаштирилган прогестеронни қўллаш, ҳомиладорликнинг узайтиришига ва перинатал оқибатларни яхшиланишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

муддатидан олдин туғруқни башорат қилиш ва эрта ташхислаш мақсадида биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик текширув стандартлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

муддатидан олдинги туғруқда йўлдош тизимли-функционал бузилишларни шакллантиришда гемостаз тизимининг аҳамияти ва бачадон-йўлдош қон оқимидаги бузилишларнинг муҳим кўрсаткичлари аҳамияти аниқланган;

муддатидан олдин туғруқни башорат қилишда соғлиқни сақлаш тизими амалиёти учун муҳим бўлган молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунологик макёрларнинг аҳамияти исботланган;

муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқни эрта ташхислаш ва башорат қилишда биокимёвий ва иммунологик маркёрлар аҳамияти аниқланган;

олинган маълумотлар бизга перинатал касалланиш она ва ҳомила септик асоратларини олдини олиш мақсадида муддатидан олдинги туғруқни бошқаришни оптималлаштирилган усуллари ва даволашни ишлаб чиқиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилаётган тадқиқотнинг услубий ёндошуви, беморлар сонининг етарли эканлиги, ўзаро боғлиқ умумий клиник, биокимёвий, молекуляр-генетик, иммунологик, доплерометрик ва статистик усуллар, текширилган тадқиқот натижалар халқаро ҳамда маҳаллий, шунингдек, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлигига асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, муддатидан олдин туғруқни башорат қилиш, эрта ташхислаш ва акушерлик тактикасининг замонавий усуллари асослашдир. Тадқиқот натижалари назарий ва амалий тиббиётнинг замонавий жиҳатларини аниқлаш имконини беради ва илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рационал терапия ўтказиш, ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришнинг мақбул усуллари танлаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик предикторни аниқлашдан иборат. Ушбу башоратловчи белгиларнинг жорий этилиши перинатал касалланиш, она ва ҳомила септик асоратларини олдини олиш мақсадида муддатидан олдинги туғруқни бошқаришнинг оптималлаштирилган усуллари ва даволашни ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муддатидан олдинги туғруқ хавфини башоратлаш, эрта ташхислаш ва қиёсий ёндашув асосида акушерлик тактикасини танлаш учун олинган илмий натижалар асосида услубий қўлланмалар ишлаб чиқарилган. “Муддатидан олдинги туғруқни натижаларини башорат қилиш ва оқибатларини яхшилашда иммунологик маркёрларнинг ташхисот аҳамияти” (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги 8н-р/1081-сонли хулосаси), “Муддатидан олдин туғруқнинг белгиларини башорат қилишда генетик маркёрларнинг аҳамияти” (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 8н-р/1103-сонли хулосаси), “Муддатидан олдинги туғруқни башорат қилишда биокимёвий маркёрларнинг ташхисот аҳамияти” (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 8н-р/1092-сонли хулосаси), соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этилган, шунингдек, “Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси Бухоро филиали” нинг клиник амалиётига ҳамда Андижон шаҳридаги 2-сонли туғруқ мажмуасига тадбиқ қилинган. Ушбу методик қўлланмалар муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқни ўз вақтида башоратлаш, ўз вақтида ташхислаш шунингдек, ҳомиладорликни олиб бориш тактикасини такомиллаштириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг илмий тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, шундан, 4 та хорижий конференцияларда тақдим этилган ва муҳоқомадасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 40та илмий ишлар нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, еттита боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 189 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва муҳимлигига асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек, тадқиқотнинг объекти, предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар, тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилиб, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация структураси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Муддатидан олдин туғруқни башоратлаш, эрта ташхис қўйиш ва акушерлик тактикасини танлашнинг замонавий жихатлари» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларни таҳлил қилиш натижалари кўрсатилган. Ушбу боб акушерлик амалиётида муддатидан олдинги туғруқнинг этиопатогенезини замонавий талқин қилиш, эрта ташхис қўйиш, муддатидан олдинги туғруқни башоратлаш

учун биомаркёрларнинг келиб чиқишида иммунологик ва молекуляр-генетик маркёрларнинг аҳамияти тўғрисида ҳал қилинмаган маълумотларни тақдим этадиган 7 кичик бобдан иборат, она ва ҳомиланинг қон айланиш тизимининг хусусиятлари, уларнинг муддатидан олдин туғрукни ривожлантиришдаги аҳамияти, муддатидан олдин туғрукни ва муддатидан олдинги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларни комплекс даволашнинг замонавий жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Текширилаётган ҳомиладор аёлларнинг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган материаллар ва усуллар ҳақида маълумот берилган.

Тадқиқот ишлари 2017-йилдан 2022-йилгача Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали ва Бухоро шаҳар 2- сон туғруқ мажмуасида олиб борилган. Текширув объекти сифатида муддатидан олдин туғруқнинг 400 та ҳолати кўриб чиқилган. Улардан 2017-йилдан 2019-йилгача бўлган 200 нафари ҳомиладорликни кўтара олмаслик хавfli гуруҳини аниқлаш учун муддатидан олдин туққан аёлларнинг касаллик тарихи ретроспектив равишда таҳлил қилинган. 2020-2022 йиллар оралиғидаги 200 нафар 22-36 ҳафталик муддатдаги ҳомиладор аёлларда проспектив таҳлил олиб борилган, улардан 65 нафар бемор (1-гуруҳ) муддатидан олдинги туғруқ хавфи билан касалхонага ётқизилган ва 85 нафар аёлда (2-гуруҳ) муддатидан олдин туғруқ кузатилган. Улардан 40 нафари қоғонок сувлари муддатидан олдин кетишисиз (2А–гуруҳ) ва 45 нафари қоғонок сувлари муддатидан олдин эрта кетиши (2Б-гуруҳ) бўлган аёллар, 3-назорат гуруҳи ҳомиладорликнинг физиологик кечиши бўлган 50 нафар аёлни ташкил этган.

Муддатидан олдин туғруқ кузатилган ретроспектив гуруҳдаги аёлларнинг ўртача ёши 24 ёшдан 35 ёшгача ташкил этган. Муддатидан олдин туғруқ кузатилган аёлларнинг соматик анамнезини ўрганишда камқонлик 185 та (92,5%), сийдик йўллари инфекцияси 50 та (25%), сурункали гипертензия 24 та (12%), варикоз касаллиги 16 та (8%), қалқонсимон без касаллиги 15 та (7,5%), юрак қон-томир тизими касалликлари 14 та (7%), ирсий тромбофилия 10 та (5%), миопия 10 та 5%, қандли диабет 8 та (4%), анамнезида тромбоз 7 та (3,5%) аниқланган.

Беморларни акушерлик-гинекологик анамнезини ўрганишда муддатидан олдинги туғруқ 75 та (37,5%), аёллар жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари 42 та (21%), преэклампсия 29 та (14,5%), гестацион гипертензия 21 та (10,5%), бачадонда чандиқ 18 та (9%), ривожланмаган ҳомиладорлик 12 та (6%), бачадон миомаси 11 та (5,5%) кузатилган. Перинатал ўлим 24,3%, эрта неонатал йўқотиш 13,7%ни ташкил этган.

Олинган ретроспектив таҳлил натижаларига асосланиб, муддатидан олдинги туғруқ хавф гуруҳидаги аёлларни аниқлаш, муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқни даволаш натижалари яхшиланган ва ўз вақтида акушерлик тактикаси танланган.

Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳда бўлган аёлларнинг ёши 19 дан 38 ёшгача, 1-гуруҳда $26,2 \pm 0,8(19-38)$ ёш, 2А- кичик гуруҳда $25,2 \pm 0,8(19-37)$, 2Б- кичик гуруҳда $26,2 \pm 0,8(19-36)$, назорат гуруҳда $25,7 \pm 0,7(20-35)$ ёшни ташкил этган.

Ҳар иккала гуруҳда такрор туғувчи аёллар устунлик қилган. Асосий гуруҳдаги аёлларда соматик анамнезидан камқонлик 120 та (80%), юкори нафас йўлларидаги яллиғланиш касалликлари 36 та (24%), сийдик йўллари инфекцияси 21 та (14%), варикоз касаллиги 28 та (11,3%), қалқонсимон без касаллиги 15 та (10%), ошқозон ичак тракти касалликлари 10 та (6,7%), миопия 8 та (5,3%) учраган.

Асосий гуруҳда беморларнинг акушерлик-гинекологик анамнезидан: анамнезидан муддатидан олдинги туғруқ 30 та (20%), сунъий ва ихтиёрый ҳомилани тўхтатиш 30 та (20%), аёллар жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари 23 та (15,3%), ривожланишдан тўхтаган ҳомила 20 та (13,3%), бачадонда чандиқ 12 та (8%), бачадон миомаси 9 та (6%), преэклампсия 8 та (5,3%) кузатилган.

Қоннинг умумий таҳлили кўрсаткичларини ўрганиш Хитой клиник ва гематологик тадқиқотлари талабларига мувофиқ Mindray BC-5300 Shenzhen Mindray Bio-Medical Electronics Co., Ltd гематологик анализаторда амалга оширилган. Биокимёвий қон текшируви Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида ва Бухоро шаҳар 2-сонли туғруқ комплекси ва "SITODIAGNOSTIC" хусусий клиник лабораториясида ўтказилган. Биоматериалларни текшириш ва экспертиза қилиш Mindray BA-88A ва «STAT FAX-303+AwaPeness USA» иммунофермент анализатори ёрдамида амалга оширилган.

Иммунологик тадқиқотлар усули муаллиф томонидан Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихтисослаштирилган "Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг Иммунология лабораторияси" бўлимида олиб борилган. Тадқиқотлар «Mindray MP-96A» иммунофермент анализатори ёрдамида олиб борилган. Ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидан IL-1 β , TNF- α , IL-10 интерлейкинлари текширилган (Вектор бест).

Тадқиқотнинг молекуляр-генетик усули т.ф.д. профессор Бобоев Қ.Т бошчилигида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги гематология илмий-амалий тиббиёт ихтисослаштирилган марказининг «Молекуляр тиббиёт ва ҳужайра технологиялари» кафедрасида бажарилган. Тадқиқотлар PotoP-Gene Q. аппаратида, ПЦР (реал. Тайм. режимида) усулида ўтказилган. Материал сифатида периферик веноз қондан ажратилган ДНК намуналари хизмат қилган. IL-1 β (T31C) гени, TNF- α (G308A) гени ва IL-10 (G1082A) гени полиморфизмлари муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқ бўлган ҳомиладор аёлларда текширилган.

Ҳомила-бачадон-йулдош қон айланишини ҳолатини шунингдек, ҳомила ичи ҳолатини баҳолаш мақсадида ҳомиладор аёлларда ультратовуш ва доплерометрия усуллари ўтказилди. Трансвагинал УТТ ёрдамида бачадон бўйни цервикометрияси ўтказилди. Бизнинг тадқиқотимизда доплерометрия

ультратовуш аппарати рангли доплер харитаси GE Versana Essential (Хитой) и “Mindray DC-3” ёрдамида бажарилди.

Тадқиқотлар 22-36 ҳафталик ҳомиладорлик муддатларида, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида ва Бухоро шаҳридаги "ABDULFAYZNUR" хусусий клиникасида олиб борилган.

Допплерометрия текшириш усулида, киндик ва бачадон артерияларидаги бачадон-йўлдош, ҳомила-йўлдош қон айланиши кўрсаткичлари ўрганилган. Допплерометрия-ноинвазив текшириш усули бўлиб, у ёрдамида бачадон, киндик ва ўрта мия артериялари гемодинамик кўрсаткичлари (СДН, РИ, ПИ) ўрганилган.

Диссертациянинг «**Муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқ бўлган ҳомиладор аёлларда биокимёвий ўзгаришларнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотда иштирок этган беморларнинг клиник кечиши, биокимёвий белгиларнинг муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқни башорат қилишдаги ўрни тасвирланган.

Текширилган усуллар гуруҳларда периферик қон кўрсаткичларида статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар борлигини кўрсатади. Хусусан эрта туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг қонидаги гемоглобин миқдори назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан 1,14 ($p < 0,05$) маротаба сезиларли даражада паст бўлган. Шу билан бир вақтда қоғонок суви кетмаган ва қоғонок суви кетган муддатидан олдин туққан ҳомиладор аёлларда ўртача гемоглобин кўрсаткичлари назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатдан мос равишда 1,28($p < 0,05$) ва 1,27($p < 0,05$) маротаба паст бўлган.

Таҳлил қон зардоби гемостазининг 3-босқичини акс эттирувчи фибриноген даражасининг миқдори беморларнинг 1-гуруҳида назорат гуруҳи қийматларига нисбатан 1,2 ($p < 0,05$) маротаба статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. 2А ва 2Б кичик гуруҳларида бу оқсилнинг миқдори назорат гуруҳи қийматларидан мос равишда 1,41 ($p < 0,01$) ва 1,38 ($p < 0,05$) маротаба сезиларли даражада ошиб кетган ва 1-гуруҳ қийматига нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлган. Айтиш керакки, фибриноген миқдори ҳомиладорликнинг сўнгги ойларида, туғруқдан сўнг ҳимоя механизми сифатида ошади. Бошқа томондан, фибриноген ҳомиладор аёллар организмидаги яллиғланиш жараёнининг ўткир фазасидаги оқсилларга кириб, миқдори ошиши мумкин.


Шу муносабат билан, биз текширилган аёллар қон зардобидеги Д-димер даражасини аниқладик. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муддатидан олдинги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда Д-димернинг миқдори назорат гуруҳининг қийматларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 3,66 маротаба ($p < 0,001$) ошган. 2-гуруҳ аёлларида бу кўрсаткичлар 1-гуруҳ ҳомиладор аёлларига нисбатан бир оз пастроқ бўлган. Шундай қилиб, 2А кичик гуруҳида Д-димер даражаси статистик жиҳатдан 3,08 ($p < 0,001$) маротаба, 2Б кичик гуруҳида эса ҳомиладор аёлларнинг назорат гуруҳи қийматларига нисбатан 2,8 ($p < 0,001$) марта ошган.

Шундай қилиб гемостазиологик омилларнинг комплекс ўзаро таъсири муддатидан олдинги туғруқнинг ривожланишида патогенетик аҳамиятга эга.

Муддатидан олдинги туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобиди ва сўлагида прогестерон гормони даражасини таҳлил қилиш, биринчи гуруҳдаги беморларда ҳомиладорликнинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда 2,44 ($p < 0,001$) ва 2,62 мартаба ($p < 0,001$) сезиларли даражада камайганлигини кўрсатган.

Агарда, назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёллар қон зардоби ва сўлагидаги прогестерон миқдори $101,6 \pm 3,9$ ва $82,6 \pm 3,9$ нмол/л бўлса, унда 1-гуруҳ беморларида у мос равишда $41,72 \pm 1,07$ ва $31,5 \pm 0,76$ нмол/л гача камайган. Қон зардобиди ва сўлақда прогестерон даражасининг пасайиши аллақачон муддатидан олдин тукқан аёлларда ҳам қайд этилган. Шундай қилиб, 2А кичик гуруҳ беморлари қон зардоби ва сўлақдаги бу пасайиш мос равишда 2,77 ($p < 0,001$) ва 2,73 ($p < 0,001$) мартаба бўлиб, мос равишда $36,7 \pm 0,54$ ва $30,3 \pm 0,65$ нмол/л ни ташкил этган. 2Б кичик гуруҳ беморлари қон зардоби ва сўлақдаги прогестерон даражаси мос равишда 2,65 ($p < 0,001$) ва 2,78 ($p < 0,001$) мартаба пасайиб, мос равишда $38,3 \pm 0,7$ ва $29,7 \pm 0,67$ нмол/л ни ташкил этган. Ушбу қийматлар 1-гуруҳнинг ҳомиладор аёлларида биров пастроқ эди. Унинг концентрациясининг пасайиши фетоплацентар етишмовчиликнинг ривожланишини ва муддатидан олдин туғруқ хавфини кўрсатган.

Шунга ўхшаш натижалар текширилган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидидаги эстрадиол даражасини ўрганиш натижасида ҳам олинган. Шундай қилиб, назорат гуруҳининг ҳомиладор аёллари қон зардобидидаги ушбу гормоннинг таркиби $52,64 \pm 1,17$ нмол/л ни ташкил этган, 1-гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг эса унинг қийматлари 1,85 ($p < 0,001$) мартаба сезиларли даражада камайган ва $28,4 \pm 1,1$ нмол/л ни ташкил этган. Муддатидан олдин туғруқ бўлган ҳомиладор аёлларда жудаям камайиб кетганлигини кўриш мумкин. Хусусан, қоғоноқ суви кетмаган 2А кичик гуруҳдаги аёллар қон зардобидидаги эстрадиол миқдори 2,59 ($p < 0,001$) мартаба камайган, $20,33 \pm 0,62$ нмол/л ни ташкил этган, қоғоноқ сувининг муддатидан олдин кетиши кузатилган 2Б гуруҳидаги ҳомиладор аёлларда бу пасайиш 2,61 ($p < 0,001$) мартабага етган ва $20,15 \pm 0,58$ нмол/л ни ташкил этган (1-расм).



1-расм. Муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқ бўлган ҳомиладор аёлларнинг қон зардоби ва сўлагидаги стероид гормонлар миқдори

Муддатидан олдин туғруқ хавфи бўлган 1-гуруҳдаги ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидаги 25-(ОН)D даражаси таҳлил қилганда, 25-(ОН)D миқдори назорат гуруҳи қийматларига нисбатан 1,44 ($p<0,01$) марта, 2А ва 2Б кичик гуруҳ беморлари қон зардобида 2,28 ва 2,64 марта сезиларли даражада камайган бўлиб, $30,2\pm 1,40$ нг/мл ни ташкил этган. Бу пасайиш 1-гуруҳ қийматларига нисбатан 1,58 ($p<0,01$) ва 1,83 мартани ($p<0,001$) ташкил этганлиги муддатидан олдин туққан аёлларда Д витамини гиповитаминози яққол эканлигини кўрсатган.

Тадқиқотимизнинг навбатдаги босқичи яллиғланиш жараёнлари учун масъул бўлган баъзи оқсилларни: ҳомиладор аёлларнинг турли гуруҳларида прокальцитонин ва С-реактив оқсил (СРО)ни ўрганиш эди. Шундай қилиб, прокальцитонин миқдори 1-гуруҳ ҳомиладор аёллар қон зардобида норма чегарасида, 2А- кичик гуруҳда норманинг пастки чегарасида қолган 2Б кичик гуруҳда эса назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда статистик жиҳатдан 9,6 ($p<0,001$) мартаба сезиларли даражада ошган.

Худди шундай ўзгариш динамикасини биз текширилган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобидаги СРО даражасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш вақтида ҳам топдик. Шундай қилиб, 2Б-кичик гуруҳда назорат гуруҳининг қийматларига нисбатан статистик жиҳатдан 2,56 ($p<0,001$) мартаба сезиларли даражада ошган. (1-жадвал).

1-жадвал


Ҳомиладор аёллар қон зардобида яллиғланиш жараёни кўрсаткичлари ва 25-(ОН) витамин Д миқдори

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ, n=65	2-гуруҳ, n=85		Назорат гуруҳи, n=50
		А-кичик гуруҳ, n=40	Б-кичик гуруҳ, n=45	
25-(ОН)D, нг/мл	$30,2\pm 1,40^a$	$19,1\pm 1,43^{ab}$	$16,5\pm 1,27^{ab}$	$43,5\pm 1,78$
Альфа-1-микроглобулин, нмоль/л	$129,8\pm 2,15^a$	$136,5\pm 2,04^a$	$134,4\pm 1,92^a$	$92,7\pm 0,57$
Прокальцитонин, нмоль/л	$0,06\pm 0,005^a$	$0,12\pm 0,012^{ab}$	$0,48\pm 0,015^{abc}$	$0,05\pm 0,029$
С-реактив оқсил, мг/л	$3,4\pm 0,20$	$4,8\pm 0,38^{ab}$	$8,2\pm 0,13^{abc}$	$3,2\pm 0,36$

Изоҳ: а – назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ($p<0,05$), б -1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ($p<0,05$), с-2(А)-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқлар ишонарли ($p<0,05$).

Сўнгги йилларда муддатидан олдинги туғруқни башоратлаш мақсадида $\alpha 1$ -микроглобулин оқсилга катта эътибор бердилар.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, муддатидан олдин туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларнинг қон зардобда α_1 -микроглобулин даражаси назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан 1,4 ($p<0,01$) мартаба, 2А ва 2Б кичик гуруҳларида муддатидан олдин туққан аёлларнинг иккинчи гуруҳида 1,47 ($p<0,01$) ва 1,45 ($p<0,01$) мартаба мос равишда сезиларли даражада ошган (2-расм).



2-расм. Текширилган аёлларнинг қон зардобда α_1 -микроглобулин концентрацияси(n=200)

Шундай қилиб, биз томондан ўтказилган текширишларда муддатидан олдинги туғруқнинг ривожланиши бир канча мураккаб омиллар билан ўзаро боғлиқ, асосан, бу натижалар (айниқса прогестерон ва витамин Д миқдорининг пасайиши билан), онада иммуномодуляция тизимини бузилиши билан боғлиқ. Бунинг сабаби ҳомиладорликда яллиғланиш ҳолатлари ривожланиши билан боғлиқ(прокальцитонин, альфа -1 микроглобулин ва С-реактив оксил маркёрлари миқдорининг ошиши), муддатидан олдинги туғруқга олиб келади. Биохимик курсаткичлар урганилганда, альфа-1 микроглобулин, витамин Д, прогестерон ва эстрадиол маркёрлари муддатидан олдинги туғруқда муҳим башоратловчи аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

Диссертациянинг “Муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқ бўлган ҳомиладор аёлларда цитокинларнинг ҳолати” деб номланган тўртинчи бобда ушбу гуруҳлардаги 200 нафар аёлда цитокин ҳолатини ўрганиш натижалари келтирилган.

Муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқ кўпинча яллиғланиш жараёнлари билан бирга келади, клиник кечиши яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар нисбатининг бевосита таъсири билан боғлиқ. Яллиғланиш олди цитокинларининг қондаги юқори миқдори яллиғланиш жараёнларининг активлиги ва кечишини акс эттирган.

Яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг ўзаро нисбати ҳомиладорликда яллиғланиш реакциясини бошқаради. Бактериялар ёки бошқа омиллар сабабли цитокинларлар нозик мувозанатнинг бузилиши

она ва ҳомила ўртасида яллиғланиш олди цитокинларининг ишлаб чиқарилишини ошириб, муддатидан олдинги туғруқ жараёнини кўзгатади. Юқоридаги нисбат мувозанатининг бузилиши муддатидан олдин туғруқ хавфи ва муддатидан олдин туғруқга олиб келади, шунингдек биз ушбу беморларда энг юқори ўзгаришларни кузатилган.


Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1-гуруҳ ҳомиладор аёллар қон зардобида IL-1 β кўрсаткичи 10,6 \pm 0,1 пг/мл, 1,85(p<0,001), 2-А-кичик гуруҳида эса, 13,5 \pm 0,07 пг/мл, 2,36 (p<0,001) маротаба ва 2-Б-кичик гуруҳида 20,3 \pm 0,21 пг/мл, 3,56 маротаба (p<0,001) назорат гуруҳига нисбатан ошганлиги аниқланган, назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёллар 5,7 \pm 0,31 пг/мл натижаси кўрсатилган (3-расм).



3-расм. Тадқиқот гуруҳидаги аёлларда интерлейкин-1 β (IL-1 β) кўрсаткичлари

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотларга кўра, 2-Б-кичик гуруҳ аёлларида ушбу цитокиннинг юқори концентрацияси кўтарилиши қоғоноқ сувларининг муддатидан олдин эрта кетиши билан муддатидан олдинги туғруқ бўлган кичик гуруҳидаги беморларда кузатилган.


Маълумки, ҳомиладор аёллар қон зардобида ўсимта некроз омилининг ошиши апаптоз-ҳужайраларнинг нобуд бўлишига, бу қоғоноқ сувларининг муддатидан олдин кетишига олиб келади. Муддатидан олдинги туғруқ хавфи бўлган 1-гуруҳ аёлларнинг қон зардобидаги TNF- α миқдори 15,3 \pm 0,08 пг/мл, 2,85 (p<0,01) маротаба, 2-А-кичик гуруҳида 20,7 \pm 0,34 пг/мл, 3,86 маротаба (p<0,01), қоғоноқ сувининг муддатидан олдин кетиши кузатилган 2-Б-кичик гуруҳида 28,0 \pm 0,15 пг/мл, 5,22 маротаба (p<0,001) назорат гуруҳидагига караганда ошганлиги аниқланган. Назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёллар 5,36 \pm 8,4 пг/мл натижаси кўрсатилган (4-расм).



4-расм. Тадқиқот гуруҳидаги аёлларда ўсимта некроз омили (ЎНО-α) кўрсаткичлари

Аниқланган маълумотлар шуни кўрсатадики, асосий гуруҳнинг қон зардобида TNF-α миқдори назорат гуруҳга нисбатан сезиларли ошган.

Олиб борилган тадқиқодларимиз натижалари асосида 1-гуруҳдаги аёлларнинг қон зардобида IL-10 концентрацияси: $56,1 \pm 0,21$ пг/мл, 2-А-кичик гуруҳда: $28,4 \pm 0,06$ пг/мл, 2-Б-кичик гуруҳда: $22,6 \pm 0,22$ пг/мл эканлиги аниқланди. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, бу кўрсаткич назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,23 ($p < 0,01$), 2,42 ($p < 0,001$) ва 3,0 ($p < 0,001$) мартаба камайганлиги аниқланди, бу кўрсаткич $68,9 \pm 1,02$ пг/млни ташкил этган (5-расм).



5-расм. Тадқиқот гуруҳидаги аёлларда интерлейкин-10 (IL-10) кўрсаткичлари

Ўтказилган таҳлилларга асосланиб шуни хулоса қилиш мумкинки, яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинлар мувозанатининг бузилиши хужайра гипоксиясига сабаб бўлади, ҳамда ҳомила ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилади, шунингдек «она—йўлдош—ҳомила» тизимининг гомеостазини сақлашга қаратилган ҳимоя таъсирини пасайтиради ва муддатидан олдин туғруқга олиб келган.

Диссертациянинг “Муддатидан олдинги туғруқ ва муддатидан олдин туғруқ хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда молекуляр-генетик кўрсаткичларнинг хусусиятлари” деб номланган бешинчи бобида, асосий

гуруҳдаги 117 нафар 22-36 ҳафталик муддатдаги ҳомиладор аёлларда, шулардан 65 нафар муддатидан олдинги туғруқ хавфи билан ва 52 нафари муддатидан олдинги туғруқ билан ва 106 нафар назорат гуруҳидаги ҳомиладорлик физиологик кечган аёлларда генетик тадқиқотлар ўтказилиб, IL-1 β (T31C), TNF- α (G308A) ва IL-10 (G1082A) генларнинг полиморфизми ўрганилган.

Биз тадқиқотимизга муддатидан олдин туғруқ хавфи, муддатидан олдинги туғруқ ва ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёллар гуруҳида IL-1 β (T31C) геннинг полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тақсимланишини ўрганиш киритилган. Тадқиқотимизда биз асосий гуруҳдаги беморларнинг 31,6%да гомозиготли Т/Т ёки IL-1 β генининг (T31C) ёввойи турдаги генотиби, 43,6%да гетерозиготли Т/С генотиби ва ҳомиладор аёлларнинг 24,8%да гомозиготли С/С ёки мутант генотиби борлиги аниқланган. Гомозиготали генотип Т/Т 35,8% ни ташкил этади, назорат гуруҳида эса гетерозиготали генотип Т/С ва гомозиготали генотип С/С 44,3% ва 19,8% натижани берган.

Шундай қилиб, қуйидаги хулосага келиш мумкинки, мутант гомозиготали генотип назорат гуруҳига қараганда, асосий гуруҳда кўпроқ тарқалган. Муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқ бўлган ҳомиладор аёллардаги мутант гомозигота С/С, назорат гуруҳидаги ҳомиладор аёлларга қараганда сезиларли юқори бўлган. Биз муддатидан олдинги туғруқ хавфи билан ва муддатдан олдинги туғруқ бўлган ҳомиладорларни 2 гуруҳга бўлганимизда, мутант аллель-С яққол юқорилигини, 1 гуруҳда 53,1%, назорат гуруҳи 42% эканлигини аниқладик. Биринчи гуруҳдаги гомозиготали мутант генотип С/С ва гетерозиготали генотиплар нисбати статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори, 1 гуруҳда 27,7% ва 50,8%, назорат гуруҳида эса мос равишда 19,8% ва 44%, бу вақтда гомозигота вариантли Т/Т генотиби назорат гуруҳида устунлик қилиб, 35,9% ни ташкил этган (бу вақтда ушбу кўрсаткич биринчи гуруҳда 21,5% бўлган).

Муддатидан олдинги туғруқ ривожланишида турли генотиплар патогенетик аҳамиятини тушунтириш учун имкониятлар нисбатини ҳисоблаб чиқдик, гетерозиготали генотип Т/С имкониятлар нисбати 1,0 ташкил қилади, С/С гомозиготали мутант генотип эса 1,3 ташкил қилади, бу эса муддатидан олдинги туғруқ пайдо бўлиш хавфини оширади. Т-аллель кўрсаткичлари ($\chi^2=1,0$; $p=0,4$; $RR=0,9$; 95% $CI=0,65 - 1,3$; $OR=0,8$; 95% $CI: 0,57-1,21$), С мутант аллели имкониятлари нисбати нуктаи назардан қараганда муддатидан олдинги туғруқ пайдо бўлиш хавфини оширади ($\chi^2=1,0$; $p=0,4$; $RR=1,1$; 95% $CI=0,74-1,6$; $OR=1,2$; 95% $CI: 0,83 - 1,75$). Муддатидан олдинги туғруқ хавфи бўлган беморларни биз 2 гуруҳга бўлганимизда ва хи-квадрат (χ^2) ва имкониятлар нисбати (OR) текширганда биз шуни аниқладикки, С мутант аллель 1 гуруҳда ($OR=1,6$; 95% $CI 1,01-2,42$; $\chi^2=4,0$; $P=0,05$) муддатидан олдинги туғруқ пайдо бўлиш хавфини сезиларли оширади, ёввойи Т аллель эса ҳимоя вазифасини бажаради ($\chi^2=4,0$; $p=0,05$; $RR=0,8$; 95% $CI=0,48-1,38$; $OR=0,6$; 95% $CI 0,41-0,99$) ва бу натижалар ишончли ва муҳим ҳисобланади. Генотипларга келсак, 1 гуруҳда муддатидан олдинги туғруқ пайдо бўлиш хавфи мутант гомозиготали ва гетерозиготали С/С ($\chi^2=1,4$; $p=0,3$; $RR=1,4$; 95%

CI=0,63-3,12; OR = 1,6; 95% CI: 0,75-3,19) ва T/T ($\chi^2=0,7$; $p=0,5$; RR=1,1; 95% CI=0,54-2,42; OR = 1,3; 95% CI: 0,7- 2,4) генотиплари натижаларига кўра ошган бўлади. Генотипларга келсак, 2 гуруҳда муддатидан олдинги туғруқ пайдо бўлиш хавфи мутант гомозиготали ва гетерозиготали C/C ($\chi^2=1,0$; $p=0,4$; RR=1,2; 95% CI=0,52-2,94; OR = 1,4; 95% CI: 0,72-2,79) ва T/T ($\chi^2=0,0$; $p=0,9$; RR=1,1; 95% CI=0,37-8,08; OR = 1,1; 95% CI: 0,48-2,46) генотиплари натижаларига кўра ошган бўлади. Бошқа томондан T/C гетерозиготали генотип муддатидан олдинги туғруқда химоя вазифасини бажаради ($\chi^2=1,4$; $p=0,3$; RR=0,8; 95% CI=0,31-1,98; OR=0,7; 95% CI: 0,33-1,32).

IL-1 β генининг T31C полиморфизми натижаларни самарали башоратлашни баҳолашда (AUC) статистик яққол кўрсаткичлар аниқланди, худди мустақил белгилар сифатида сезувчанлик (SE) ва ўзига хослик (SP) каби. Асосий гуруҳдаги беморларда IL-1 β генининг C мутант аллели самарали башоратлаш (AUC=0,76, SE=0,58; SP=0,7; OR=0,21; 95% CI=0,83-1,77; $p=0,55$) ташкил этади.

Шундай қилиб, AUC 0,7 дан юқори бўлганлиги, C мутант аллель, IL-1 β генининг C/C гомозиготали генотипи муддатидан олдинги туғруқни башоратлашда маркёр сифатида нисбатан юқори прогностик самарадорликка эга.

TNF- α (G308A - rs1800629) генини текширганимизда бизга шу маълум бўлдики, ёввойи типдаги аллелнинг улуши муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва муддатидан олдинги туғруқ булган аёлларда мос равишда 94,3% ва 94% бўлган. Иккинчи гуруҳда ёввойи бўлмаган типдаги аллелнинг тарқалиши назорат гуруҳи билан таққосланганда паст эди (4,8% ва 5,7%), бунда қуйидаги хулосага келиш мумкинки, 2-гуруҳда ёввойи бўлмаган аллель тип TNF- α (G308A) ва муддатидан олдинги туғруқ частотаси ўртасида боғлиқлик аҳамиятли эмас. Шундай қилиб, аллель генининг асосий ва назорат гуруҳи ўртасида тақсимланиши муҳим аҳамиятга эга эмас, OR кўрсаткич мос равишда ёввойи бўлмаган аллель тип учун индуктив ($\chi^2=0,0$; $p=0,9$; RR=1,0; 95% CI=0,43-2,32; OR=1,1; 95% CI: 0,48-2,35) ва химоя қилувчи аҳамиятини ($\chi^2=0,0$; $p=0,9$; RR=1,0; 95% CI=0,49-2,05; OR=0,9; 95% CI: 0,43-2,09) кўрсатган.

Бунда қуйидагиларни айтишимиз мумкинки, мутант аллель ва гетерозиготали генотипнинг йўқлиги ўзбек миллатига мансуб муддатидан олдинги туғруқ патогенезида индуцирланган аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари, турли хил генотип шакллари учун TNF- α гени аллелларининг башоратлаш моделини кўришда, асосий гуруҳдаги мутант аллеллар (A) учун моделнинг сезгирлиги 94%, ўзига хослик эса 6% натижани (OR=1,06; 95% CI: 0,48-2,33%) кўрсатганлиги аниқланди. Бизнинг тадқиқодларимизда A аллели ва G/A генотипи муддатидан олдинги туғруқ предиктори бўлиши мумкин, OR ва RR статистик кўрсаткичлари муддатидан олдинги туғруқни қўзғатувчи омили бўлиши мумкин, лекин статистик ишончли эмаслигини ($\chi^2=0,1$; $p=0,8$) инобатга олиш керак.

Биз IL-10 генидаги G1082A полиморфизми аллелларининг тақсимланишини тадқиқот қилганимизда 1-гуруҳдаги A аллели 63,1%ни, G аллели эса 36,9% ни ташкил этади, бунда 2-гуруҳдаги тақсимланиши A аллели

61,5% ва G аллели 38,5% дан иборат. Биз томондан генотипларнинг асосий ва назорат гуруҳи бўйича тақсимланишида қуйидаги натижалар олинди: гомозиготали генотип G/G мос равишда 17,9% и 3,8%; гетерозиготали генотип G/A 39,3% ва гомозиготали генотип A/A 42,7% ва 65,1% ташкил этган. A аллели ташувчилари учун асосий гуруҳда касалликнинг ривожланиш хавфининг имкониятлар нисбати (OR) ($\chi^2=18,1$; $p=0,01$; RR=1,9; 95% CI=1,4-2,7; OR=2,5; 95% CI: 1,64-3,85) ни ташкил этди, ўзбек миллатида G аллелидан фарқли ўлароқ ($\chi^2=18,1$; $p=0,01$; RR=0,5; 95% CI=0,3-0,88; OR=0,4; 95% CI: 0,26-0,61) A аллели муддатидан олдинги туғруқда ишончли ва химоя аҳамиятини ўйнайди. Бундан ташқари, бизнинг тадқиқотларимизда генотипларнинг тарқалишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, гомозиготали генотип A/A муддатидан олдинги туғруқ ривожланиш хавфини оширади ($\chi^2=11,2$; $p=0,01$; RR=4,8; 95% CI=3,07-7,37; OR=5,6; 95% CI: 2,04-15,25). гомозиготали A/A генотипининг олинган натижалари муҳим ва ишончли, 1-гуруҳда муддатидан олдинги туғруқ ривожланиш хавфини оширади ($\chi^2=11,8$; $p=0,01$; RR=5,3; 95% CI=2,7-10,4; OR=6,4; 95% CI: 2,22-18,3). Хи-квадрат (χ^2) ва имкониятлар нисбатига (OR) келсак, 2-гуруҳда A/A генотипи ташувчиларида касаллик пайдо бўлиш хавфи мос равишда 6,7 ва 4,6 ($\chi^2=6,7$; $p=0,01$; RR=4,1; 95% CI=1,62-10,24; OR=4,6; 95% CI: 1,45-14,81). Бизнинг тадқиқотларимизда A/A гомозиготали генотипи муҳим химоя аҳамиятини бажаради, гетерозиготали генотип эса 2-гуруҳда муддатидан олдинги туғруқ ривожланиш хавфини оширади ($\chi^2=3,4$; $p=0,1$; RR=1,5; 95% CI=0,63-3,5; OR=1,9; 95% CI: 0,96-3,74).

IL-10 гени G1082 полиморфизмининг A аллелининг самарадорлик натижаларини башоратлашда асосий, биринчи ва иккинчи гуруҳларда мос равишда AUC=0,79; SE=0,68; SP=0,81; AUC=0,79, SE=0,67, SP=0,81 и AUC=0,79, SE=0,68; SP=0,81 ни ташкил этди, бу муддатидан олдинги туғруқ хавфининг ривожланиш моделида генотип IL-10 ҳамма гуруҳларда “юқори сифатли” ҳисобланади.

Шундай қилиб, IL-10 генининг A мутант аллели бўйича муддатидан олдинги туғруқ ривожланишини башоратлаш юқори самарадорликка эга, A/A мутант шакл эса асосий гуруҳдаги ўзбек миллатига мансуб аёлларда муддатидан олдинги туғруқ ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

